SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 13-MART ■ PAYSHANBA ■ 31 (27.051) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон — АҚШ: стратегик ҳамкорликка бир йил тўлди

12 март куни Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация имзоланганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан Тошкент давлат шарқшунослик институтида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжат 2002 йил 11-14 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи чоғида имзоланган эди. Декларация давлатлараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар ривожланишини таъминлашга қаратилган ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиётига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва АҚШ нафақат халқаро террорчиликка қарши курашда, балки бошқа кўплаб халқаро муаммоларнинг ечимини белгилашда муштарак нуқтаи назарга эга. Шу боис АҚШ Ўзбекистонни ўзининг ишончли стратегик ҳамкори деб ҳисоблайди. Зеро, фақат истиқболли давлатларгина АҚШ билан бундай ҳамкорлик ўрнатиш имконига эга.

Анжуманда ўтган бир йил ичида мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

(ЎзА)

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 12 март куни Оқсаройда Испания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Мария Роблес Фрага Ишонч ёрлиғи топширди.

Шу йил бошида мамлакатимиз раҳбари давлат ташрифи билан Испанияга борган эди. Ушбу сафар асосида икки томонлама муносабатларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қиладиган кўплаб янги келишувларга эришилди. Испания томонидан Ўзбекистонга янги элчининг тайинланиши келишувларни янгича руҳда ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов Испания дипломатик миссияси раҳбарини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади ва келгуси фаолиятида муваффақият тилади.

Хосе Мария Роблес Фрага самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, ҳамкорликда янги сиёсий ва иқтисодий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятида эканлигини маълум қилди.

✧ ✧ ✧

Шу куни Президент Ислом Каримов Афғонистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абдул Самаддан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Ҳозир Афғонистон чорак асрлик уруш асоратларини бартараф этишга киришган. Бунда Ўзбекистоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Масалан, Кобул-Ҳайратон йўлида ўзбекистонлик кўприксозлар билан ҳамкорликда ҳозиргача тўрт кўприк тикланди. Ўзбекистон инсонпарварлик ёрдами сифатида хориждан афғон халқига юборилаётган юкларни манзилга етказишда ҳам фаол қатнашмоқда.

Абдул Самад Президентга ўз мамлакатининг Ўзбекистондаги илк Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида ишонч ёрлиғини топширишдан фахрланишини айтар экан, Ислом Каримовнинг афғон халқини уруш балосидан ҳимоя қилиш учун йиллар давомида халқаро ҳамжамият эътиборини ушбу ўлкага қаратиш йўлида амалга оширган хайрли ишлари юксак даражада қадрланишини таъкидлади.

✧ ✧ ✧

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Индонезиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хасим Салех Ишонч ёрлиғи топширди.

Учрашувда Ўзбекистон — Индонезия ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани, аммо ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар ҳам кам эмаслиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишда Индонезия билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Айни пайтда мамлакатларимиз ишбилармонлари меҳмонхона бизнеси ва алоқа соҳаларида яхши алоқа ўрнатган.

Президент Ислом Каримов Индонезия элчисига ўз миссиясини бажаришда катта муваффақият тилади.

✧ ✧ ✧

Президент Ислом Каримов Грециянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дмитриос Параскевопулосдан ҳам Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон — Греция муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида юқори даражали ташрифлар амалга оширилган ва ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори барпо этилган.

Ўзбекистон раҳбари Греция элчисини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлаб, унга мамлакатимиздаги миссиясини бажаришда муваффақият тилади.

Дмитриос Параскевопулос ўз мамлакати Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор беришини таъкидлади. Греция айни пайтда Европа Иттифоқига раислик қилаётганини айтиб, Ўзбекистон билан ушбу ҳамжамият ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришни ҳам устувор вазифалардан, деб билишини қайд этди.

(ЎзА)

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — миллат ғурури, мамлакат таянчи

Ёшлик шиддати, шижоати, кучи — Ватанни танишда. Қалбида Ватани борлар эса элу юрт равнақи йўлида ёниб яшайдилар. Улар ўз эзгу амаллари билан маърифатга интиладилар.

Аброр ШЕРМАТОВ 1981 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. 1998 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи факультети хитой тили бўлимига ўқишга қабул қилинган.

Аброр 2001 йилда Пекин чет тиллар ва маданият университетига хитой тили бўйича малака оширишга юборилди. У ерда бир йил давомида тил, адабиёт, маданият, тарихга оид ўқув адабиётлари билан яқиндан танишди. Тил ўрганиш машаққати билан юзма-юз келди. Дўстлар орттирди.

Бугунги кунда у хитой тили фонетикаси бўйича тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Ушбу йўналишда тайёрлаган мақолалари эълон қилиниш арафасида.

— Аброр истеъдодли талабаларимиздан бири. У хитой тили билан жиддий шуғулланаяпти. Биз уни магистратурага тавсия этмоқчимиз, — дейди хитой филологияси кафедраси мудири, фан номзоди Акром Қаюмов.

Ёшлик куч-қудратга, бунёдкорликка тўла фасл. Ёшлик изланиш, ўрганиш, бахтли ҳаётга замин яратиш фасли. Унинг ҳар дақиқаси ғанимат.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Коллежлар билан танишув

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим қирраларидан бири бу — касб-ҳунар таълим тизимини тубдан янгилаш, ривожланган мамлакатлар тажрибалари асосида мутахассислар малакасини оширишдир. Айнан шу мақсадда Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси Британия кенгаши кўмагида республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари ҳамда масъул ходимларидан иборат ҳайъатнинг Буюк Британияга сафарини ташкил этди.

Мамлакатимиз вакиллари Британия кенгаши, Буюк Британия Таълим вазирлиги, шунингдек, қатор касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари билан бўлиб ўтган учрашувлар давомида хориж тажрибаси билан яқиндан танишдилар.

— Ўзбекистон ҳайъати ташрифи нафақат меҳмонлар, балки уларнинг британиялик ҳамкасблари учун ҳам фойдали бўлди. Хусусан, бизни Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг республикангизда амалга оширилиш жараёни қизиқтирди. Мамлакатларимизнинг таълим тизимини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга бўлган катта эътибори тажриба алмашиш учун мустаҳкам асос яратмоқда. Айтиш жоизки, биз бўлажак ҳамкорлик истиқболларига катта ишонч билан қарамоқдамиз, — деди Британия кенгаши масъул ходими Джиллиан Маск.

Мардон ЯКУБОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон.

● БОКС

Икки олтин, бир кумуш ва бир бронза

Чехияда Гран-при туркумидаги «Олтин ринг» халқаро турнири ниҳоясига етди. Унда дунёнинг йигирма бир мамлакатидан 120 нафарга яқин чарм қўлқоп устаси ғолиблик учун кураш олиб борди.

Турнирда иштирок этган олти боксчимиздан тўрт нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Андижонлик Баҳодир Султонов (54 кг.), чирчиқлик Рустам Саидов(91 кг.)лар олтин, фарғоналик Дилшод Маҳмудов (60 кг.) кумуш ҳамда тошкентлик Беҳзод Хидиров (57 кг.) бронза медаллари билан тақдирланишди.

Суратда: Дилшод Маҳмудов (чапда) турнирда кумуш медаль совриндори бўлди.

Шу кунларда Ўзбекистон терма жамоаси март ойининг охирида Бокуда ўтадиган анъанавий Анвар Чаудри халқаро турнирида иштирок этиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

Замонга мосланган корхона

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ «ҚОРАСУВ» ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ ТЎЛИҚ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш, янги корхоналар барпо қилиш, мавжудларини қайта таъмирлашга катта эътибор берилмоқда.

Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган республика кўргазмали семинар-кенгашида пахтани қайта ишлаш корхоналарини замонавий технология билан қайта жиҳозлаш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимида бугун 110 дан ортиқ пахта тозалаш заводи ишлаб турибди.

Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш заводи очиқ ҳиссадорлик жамиятида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур корхона раҳбар-мутахассислари ўз ички имкониятларини ишга солиб, бош бино ва пахта тозалаш цехини бутунлай реконструкция қилди. Бунинг самараси ўлароқ, пахта хомашёсини толага айлантириш жараёнлари соддалашди. Ортиқча ускуна ва двигателлар олиб ташланди, электр-энергия сарф-харажатлари иккиуч бараварга камайди.

— Бундай янгиликлар эвазига пахта толаси олиш ўртача 0,4 фоизга ошди, — дейди ***«Қорасув» пахта тозалаш очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Ўрозали Жўраев.*** *— Бу бир неча тонна юқори сифатли тола, 63,2 миллион сўмлик қўшимча даромад дегани. Қайта таъмирлаш ишларига 370 миллион сўм маблағ сарфлангани назарда тутилса, кутилаётган иқтисодий самарадорлик ортаверади. Хусусан, тола сифати бир навга яхшиланишидан йилига 120 миллион сўмлик қўшимча даромад олинса, технологик жараёнда олинадиган чигитнинг сарфи электрон тарозида тортилиши ҳисобига исрофгарчилик 2 фоизга камайиб, 11,7 миллион сўм фойда кўрилади. Янги технологиянинг яна бир афзаллиги шундаки, электр энергиясини илгаригидек кўп сарфламай, кутилган натижага эришилади ва бу борада ҳам 33,8 миллион сўмлик харажат иқтисод қилинади.*

2005 йилгача «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги 70 та пахта тозалаш корхонасида ҳам ана шундай таъмирлаш ишлари йўлга қўйилади.

Таъмирланган «Қорасув» пахта тозалаш корхонасининг фойдаланишга топширилиши маросимида Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э.Зикриёевлар қатнашдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўз маҳсулотим — иқтисодиётим!

ЁХУД У — ЎЗ МУЛКИМ, ЎЗ РЎЗҒОРИМ, ЎЗ ДАВЛАТИМ

Бугун ким билан суҳбатлашманг, қайси даврада бўлманг, гап айланиб ***ислоҳотларимиз стратегияси*** *ва* ***иқтисодиётимиз салоҳияти*** *— ўзимизда ишлаб чиқарилаётган,* ***ўзимизники, Ўзбекистонники*** *бўлган* ***маҳсулотлар*** *салмоғи ҳамда сифати ҳақида кетади.*

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки гапираман десанг ўз маҳсулотимиз ҳақида ҳам, четдан олиб келинаётган «усти ялтироқ, ичи қалтироқ», сифатсиз моллар ҳақида ҳам гап кўп.

Мен ўзим кузатган, кўрган, билган айрим масалалар ҳақида шахсий фикр-мулоҳазамни билдирмоқчиман.

Кўп «тадбиркор»ларни кўрганмиз, у бозордан олиб, бу бозорда сотади. Ёки бозорга тушган деҳқонни ҳолижонига қўймай молини арзон-гаровга олиб, қиммат нархда пуллайди. Бунақа тоифадагилар ҳам ўзларини «тадбиркор», «тижоратчи» ҳисоблашади. Булар ҳаммаси ҳақиқий тадбиркорликка ёт, савдо-сотиқнинг ибтидоий кўринишлари. Бундай йўл билан ҳеч бир давлатнинг бири икки бўлмаслиги аниқ.

Юртбошимизнинг шу йил февраль ойида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган Мажлисида айтган бир сўзини эсланг: ***«Биз, баъзи бир қолоқ мамлакатларга ўхшаб, эртага аҳолимизнинг аксарияти четдан олиб-келинадиган, сифати паст моллар билан олиб сотарлик қилиб, шу ҳисобидан кун кўрадиган ва шунга тобе бўлиб қоладиган вазиятнинг вужудга келишига йўл қўя олмаймиз. Бундай қарашларни қўллаш эртанги униб-ўсиб келаётган авлодимизга нисбатан жиноят бўлур эди».***

Йўл қўя олмаслигимизга сабаб — тасаввур қилинг, ўша шақилдоқ ўйинчоғу озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари бозорга етиб келгунча неча «қўл»дан ўтган? ***Олиб-сотарлар мол нархи устига неча бор нарх қўйишган? Нархнинг ошиши охир-оқибат харидорларга жабр бўлади. Буни ҳамма яхши тушунади. Аммо одатга айланган бу иллатдан қачон қутуламиз? Олиб-сотарлик, таъбир жоиз бўлса, бировнинг дўпписини бировга кийгизиб, пул топиш усули. Олиб-сотарлик асосан бир мақсадга йўналтирилган — четдан имкон қадар арзон мол топиб келиб, имкон қадар қимматга сотиш. У ҳеч қачон харидор манфаатини ўйламайди.***

Яқинда Ўзбекистон ТВсининг Ахборот кўрсатувида бир таҳлилий лавҳа намойиш этилди. Четдан келтириб бозорда сотилаётган пайпоқлардан уч-тўрт хилининг сифатига эътибор қаратилди. Уларни ювиб ҳам кўрсатишди: биридан қора, биридан қизил, биридан сариғиш ранг чиқиб кетди. Ўзимизда тайёрланган пайпоқ ювилганда эса сув ранги бирозгина ўзгарди, холос. Ҳар ҳолда четникидан дурустлиги кўриниб турибди. Лекин сифатни бир неча баробар ошириш зарурлиги тушунарли. Ахир Ўзбекистон пахта ватани бўлса, нега энди сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтира олмаймиз? Нега, ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва зарур бўлган товарлар ҳамда маҳсулотларни ўз ҳудудимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишга шошилмаймиз? Нега бунинг учун керак бўлса, барча шарт-шароитларни яратишга ошиқмаймиз? Буларни ҳукуматимиз ҳам, Юртбошимиз ҳам ***энг муҳим ва энг долзарб вазифамиз бўлиши шарт,*** *дея бот-бот таъкидлаб турибди-ку. Ҳамма гап ушбу соҳа ва жойлардаги раҳбарларга боғлиқ эмасми?*

(Давоми 2-бетда.)

BUSINESS BANK

Бизнес Банк

Энг яхши анъаналарда

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўз маҳсулотим — иқтисодиётим!

ЁХУД У — ЎЗ МУЛКИМ, ЎЗ РЎЗҒОРИМ, ЎЗ ДАВЛАТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биргина мисол. «Ўзенгилсаноат» уюшмасида 1999-2001 йилларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси тушиб кетганлиги оқибатида 144,4 миллион квадрат метр трикотаж, 17,4 миллион дона пайпоқ ва 3,6 миллион квадрат метр гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмади. Айни пайтда ва айни шундай маҳсулотларга бўлган аҳоли эҳтиёжи хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган ҳамда мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан олиб кирилган сифатсиз, сертификатсиз маҳсулотлар эвазига қондирилди. Шунингдек, бундай ҳол «Ўзэлтехсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари, «Жиззахғўштсутсаноат» ишлаб чиқариш иссиқдорлик жамияти корхоналари ва Тошкент компрессор заводида ҳам юз берганлигини айтиб ўтиш кифоя. Пойтахтдаги «Юлдуз», «Малика» корхоналаридаги аҳвол эса бундан-да жиддий эътиборни талаб этади.

Ҳозир республикамизга четдан олиб келинаётган маҳсулотлар ҳажми ва миқдорини кўрсатувчи мана бу рақамларга кўз ташланг: ***Барча тикувчилик маҳсулотларининг 75 фоиздан кўпроғи; пойабзалнинг қарийб 50 фоизи; атир совун ва синтетик ювиш воситаларининг деярли 80 фоизи; истеъмолдаги мол ёғи ва консерваларнинг 50 фоиздан зиёдроғи; маиший электротехника буюмларининг салкам 100 фоизи...*** *Уларнинг ҳаммаси ички бозоримизда сотиляпти...*

Энг алам қиладиган жойи шундаки, четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг кўпчилигини ўзимизда ишлаб чиқаришга имкон етарли. Хомашё ҳам, малакали ишчи кадрлар ҳам бор... Қачон бу имкониятлардан фойдаланамиз? Тармоқларнинг масъул раҳбарлари ва мутахассислари чет элга бориб, тажриба алмашиб келишяпти, амалий ишга эса дадил киришилмаяпти?

Бу ҳолда мамлакатимизда одамларни иш билан таъминлаш ва ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан дунё бозорида, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни топишимиз учун яна неча қовун пишиғи керак бўлади? Ҳолбуки, маҳаллий шароитда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид қанчадан-қанча имтиёзлар (хусусан, солиқ бўйича) берилмади, дейсиз... Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида таъкидланганидек, ***«...аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган стратегик мақсадимиз сари қўяётган қадамларимизга — бугун сусткашлик, бошланган ислоҳотлар ўз мантиқий якунига етказилмаётгани салбий таъсир кўрсатаётгани»*** *сабабларини наздимизда мана шу ҳоллардан излаш керак.*

Агар бундай ҳолатларнинг олди олиниб, Президентимиз таъбири билан айтганда, ислоҳотларимиз ***тўлиқ эмас, чала-ярим*** *ҳолда қолмаганда* ***«иқтисодиётимиздаги ўсиш суръатлари, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз»,*** *юқори бўлиши мумкин эди. Чунки, ислоҳотларимиз стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдан иборат эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда ишлаётган меҳнат жамоалари ҳам кам эмас. Масалан, таҳририятимизга Андижондан йўлланган бир хатда Ёрқишлоқ ип-йигирув ва тўқув ҳиссадорлик жамияти жамоаси бугунги кунда қувончли ютуқларга эришаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Корхона бундан 2-3 йил олдин оғир аҳволга тушиб қолиб, ҳукуматимиз ёрдами билан қаддини ростлаб олиш йўлини танлайди. Аниқроғи, жорий этилган* ***ташқи бошқарув*** *изланишга киришди. Натижада, илгари иш излаб, қўшни туманларга (ва ҳатто қўшни республикаларга ҳам!) кетиб қолган ишчи-хизматчилар яна корхона бағрига қайтди. Биргина тўқув цехи бугунги кунда аввалги 5-6 минг ўрнига 30 минг метрдан ҳам ошириб маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бухородаги «Қоракўлтекс» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар эса эндиликда ўз эҳтиёжимиздан ҳам ортиб, чет элларга экспорт қилинмоқда.*

— Ҳукуматимиз, — деб ҳикоя қилади Тошкентдаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятнинг илғор каштачиси Дилбар Саъдиева, — четдан келтирилаётган товарларни (ва ҳатто энг зарур кундалик маҳсулотларни ҳам!) энди ўз ҳудудимизда ўзимиз ишлаб чиқаришни ташкил этишга, бунинг учун керак бўлган барча ёрдамни кўрсатишга даъват қилмоқда. Корхонамиз жамоаси миллий каштачилигимиз анъаналарига хос ва мос равишда халқимизга ранг-баранг сўзаналар, палак, гул кўрпа, попоп, уй безаклари, ёдгорлик буюмлари, келин ва куёв либослари тайёрлашнинг янги-янги режаларини белгилаб олди. Шу йилнинг дастлабки икки ойидаёқ 4 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Улар четдан олиб келинаётган бу тур буюмларга нисбатан ранг-баранг, чиройли, бежирим ва арзон ҳам. Ўзинг тайёрлаган маҳсулотнинг завқи ҳам бўлакча бўларкан... Ахир, бизнинг бошқалардан кам жойимиз борми?! Сўраганларга: «Ўзимизники, Ўзбекистонники!» деб фахрланишга не етсин..! Уларни биз энди экспортга ҳам чиқарамиз...

Кўрдингизми, ёниб яшаб ва ёниб ишлашга тобора кўникаётган юртдошларимиз эндиликда нафақат ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари, балки ўзимизда тайёрланган маҳсулотларнинг экспорт таркибидаги ижобий ютуқлари билан ҳам фахрлана оладилар. «ЎзДЭУавто» автомобиль заводида яратилган мутлақо янги турдаги «Матиз», «Нексия» машиналари бугун хориж мамлакатлари йўлларига кўрк бериб «учаёт»гани кимни қувонтирмайди, дейсиз?! «Кварц» акциядорлик жамияти тайёрлаётган эҳтиёжталаб ойналар, «Хива-Карпет» қўшма корхонаси гиламлари, «Фотон»нинг рангли телевизорлари, «ЎзКожи»нинг электр тасмалари ва ўтказгичлари, «Навоиазот» каустик содаси, Тошкент трактор заводининг ихчам тракторлари — ҳамма-ҳаммаси «ўзимизда — Ўзбекистонда» ишлаб чиқарилаётган, мамлакатимиз тамғаси билан дунё бозори савдосига қўйилаётган, арзонлиги, қулайлиги ва сифати билан рақобатга тушаётган ўз маҳсулотларимиздир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган йили мамлакатимизда ***ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,5 фоизга кўпайди. Халқ истеъмоли товарлари ҳажми 11,8 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,1 фоизга юксалди.*** *Демак, ўз маҳсулотимизни ўзимизда ишлаб чиқарсак, ҳажми, миқдори ва сифатини тобора оширсак бўлар экан. Имконият ҳам, хомашё ҳам, кадр ҳам, маблағ ҳам бор экан. Аммо, шу ўринда яна бир гап: масаланинг моҳияти — халқимиз истеъмол қиладиган ҳамма тур маҳсулотнинг барчасини фақат ўзимизгина ишлаб чиқаришда эмас, балки мантиқий мақсад ва маслагимиз — юртимиздаги имкониятлар кўлами кенглигини, керакли хомашё ва ишчи кучларимиз борлигини англаб олишимиздадир.* ***«Фақатгина, — деди Юртбошимиз, — шу йўл билан жаҳон ҳамжамияти ва дунё бозорида ўзимизга муносиб ўринни эгаллашимиз мумкин».***

Ҳа, шу йўл билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз ўз мулкимиз, ўз рўзғоримиз, ўз давлатимиз бўла олади. Халқона ибора билан жуфтлайдиган бўлсак, ўз маҳсулотим — ўз иқтисодиётим! Ўзимизники, Ўзбекистонники!

Нақадар фахрли, фарахли туйғу бу!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ



Тадбиркорга сармоя иш берди

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Мажлисида инвестиция ва иқтисодий таркибий сиёсатни амалга ошириш якунлари ҳақида ҳам тўхталиб: ***«... мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда. ... Биз учун долзарб масала бўлган аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмоқда»,*** *деб таъкидладилар.*

Буни ёш тадбиркор Фаррух Орипов «Миллий банк» сармоялари ҳисобига ташкил қилган «MEFA» корхонаси мисолида кўришимиз мумкин. Мазкур корхонада Италия, Америка, Туркия технологиялари асосида 9 нафар киши фаолият олиб бормоқда. Улар аҳоли учун зарур бўлаётган барча турдаги кийим-кечакларни жаҳон андозаларига мос кимёвий тозалаш билан чекланмай, ҳаттоки, енгил машиналар гилофлари, келин либослари, пардалар, болалар ўйинчоқлари ювиб тозаланмоқда. Шунингдек, бу ерда яқин орада жаҳон андозалари асосида гилам ювиш, чарм курткаларни бўяш ва тозалаш ишларини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

— Даставвал Америка, Германия, Италиядаги шу каби корхоналарда қандай ускуналар ишлатилаётганлигига қизиқдик, — дейди бош директор. — Бу борада изланишлар олиб бориб, энг сўнгги русумдаги ускуналарни танладик. Шундан сўнг улар билан узоқ муддатли шартнома туздик. Агар бирон-бир ускуна бузилгудек бўлса, биз шартлашган хориж фирмалари бепул тузатиб бериш кафолатини олган.

Ҳозир бир кунда 500 та кийим-кечакни кимёвий тозалаш, 150 кг. буюмни сувда ювилиш имконига эгамиз. Бунинг учун ишлатиладиган ювиш ва тозалаш воситаларини «Хенкел» фирмасидан оламиз.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

Суратларда: *1. Корхона бош технологи Живит Тупуз. У Италиядан келтирилган «FIRBIMATIC» кимёвий тозалаш ускунасини қандай бошқаришни маҳаллий кадрларга ўргатиб боради. 2. «MEFA» ОАЖда иш жараёни.*

● КУЛАСИЗМИ, КУЯСИЗМИ?

«Учар» поезддаги «КЎЧАР БОЗОР»

ЁХУД «АБЖИР» ЧИПТА СОТУВЧИ, «ИШБИЛАРМОН» НАЗОРАТЧИ, «ЗАМОНАВИЙ» ТИЖОРАТЧИ, «МАШҲУР» АРТИСТЛАР ВА ТУРФА ҲАНГОМАЛАР ХУСУСИДА ЖАЖЖИ ФЕЛЬЕТОН

«Термиз-Сариосиё» йўналишида шаҳарлараро қатнайдиган поезд заб ажойиб экан. Турган-битгани ҳангома. Ҳар қадамда турфа воқеалару, ажойиб ва ғаройиб инсонларга дуч келасан, киши. Уч соатдан ортиқ вақт давомида 150 чақирим йўл юриб, зерикиш нималигини сезмайсиз. Ишонмайсизми? Унда эшитинг...

Эрталаб соат ўнларда поезд Деновдан жилди. Тошбақа юриш билан Термиз сари равона бўлдик. Қўлимизда чипта бўлса-да, ўрнимиз «танбур»да экан. Буни қарангки, чиптада «Термиз» сўзи бор-у, ўрин-жойи кўрсатилмаган. Ҳойнаҳой, уни қайд этиш чипта сотувчининг ёдидан «кўтарилган» бўлса ажабмас. Чунки, ушбу йўналишдаги кўплаб йўловчиларнинг чипталари ҳам «ранг кўр, ҳол сўр» қабилида. Хуллас, кинолардагидек ҳангома воқеалари бошланди.

— ...Ҳоз-зир «Хайробод»га 20 киши тушади, — деди назоратчи чипта текширишни бошларкан. — Сўнг сизларга жой тўғрилаб бераман. Тақдирга тан бериб, атрофга кўз югуртираман: одам тирбанд — кимдир сигарет тутатмоқда, яна кимдир... Шу пайт бир қўлида «патнис», бир қўлида икки жуфт сумка кўтарган аёл келиб қолди. Тўғриси, дастлаб унга ачиндим. Зил-замбилдек юк кўтарган ожиза жой излаб юргандир, деган фикр ўтди хаёлимдан. Аёл эса жоврарди: — «...Асалдек тортла, коржикла, нос, сигарет, семичка, шкалат, жевачка, қурут, шарик, чойла... бо-о-ор!».

«Хайробод» бекати ўтиб, Шўрчига етдик. Ҳартугул, баъзиларга жой топилди. Вагоннинг ичи нақд томошагоҳнинг ўзгинаси. Биринчи қатордаги ўриндиқларнинг ҳар бирида 4-5 киши сиқилиб ўтирибди. Иккинчи ва учинчи «полка»лар ҳам тирбанд.

«Қумқўрғон» бекатига яқинлашаяпмиз. Вагонда нуроний чол кўринди: — Меҳригиёҳ — минг дардга даво, — дейди у салафанга ўралган алланарсани кўз-кўз қилиб. — Буни юз долларга сотишади. Менга эса ўн минг сўм берсангиз кифоя. «Ўзи долларни кўрганмисиз отахон?», гап ташлайди кимдир. Отахонга бу гап ёқмади шекилли, у индамай ўз «маҳсулот»лари рекламасини давом эттиради: — Буниси эса — кўзга нур, юракка малҳам, белга қувват, билакка куч, танга роҳат бахш этади. У уй супургисининг уруғига ўхшаш донни кўз-кўз қилади. Бир пиёласи 200 сўм... Баҳоси арзонлигидан бир-икки пиёла харид қилганлар ҳам бўлди. Отахон вагон охирига қараб юради. Овози тинмайди: Қирқ дардга даво малҳам сотаман...

Шу ўринда савол туғилади: вагонларга чиптасиз бу «савдогар»ларни ким чиқаради? Улар сотаётган нарсалар одамлар соғлиғига фойдами, зиёнми? Бу ибтидоий «савдогар»ликка қарши ким курашиши керак?.. Энг ачинарлиси вагонларда болаларнинг ҳам бундай «савдо» билан шуғулланаётгани. Уларни нимага ўргатаяпмиз ўзи? Бу ҳақда жиддийроқ, жон ачитиб ўйлашга тўғри келади.

Энди ҳангоманинг давомини эшитинг. Зум ўтмай вагонга доира ва тор кўтарган «артист»лар «ташриф» буюришди. 10-12 ёшлардаги садақа йиғувчи қизча олдинга тушиб олган. У 50-100 сўмни олади-да, дуо ўқигандек бурнини «силаб» қўяди. Ёнидаги болакай қўшиқ айтади.

Гулдайин қизлар яратдинг,
довюрак ўғлонлар,
Тим қора тим сочларингга
тушмасин ҳеч оқлар,
Бош эгиб таъзимдадирман,
онажоним сиз учун,
Бир умр номингизни куйлар
Ўктамжон сиз учун...

Наманганлик санъаткор Жалолиддин Усмоновнинг ажойиб қўшиқларини «ўзлаштириб», пойинтар-сойинтар куйлаётган «поезд артистлари»га кимдир «Йиғладим»ни буюртма берса, шўхроқ йигитчалар «Қўйнимда бир ёр»ни сўрайди... Куй, қўшиқ авжида. Саф тортиб тижоратчилар ҳам ўтиб туришибди.

Зўр томоша билан Сурхон бекатига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Бу ерда яна бир ҳангомага дуч келдик. 35-40 ёшлардаги тоғни урса талқон қиладиган полвонсифат йигит карсон кўтарганча пайдо бўлди. Тандирга нон ёпганда аёллар фойдаланадиган енгча кийиб олган. Белида... фартук. Кирлигидан ранги билинмайди. У сомса сотишни бошлади: — Уни Шўрчи заводидан, ёғи Денов «МЭЗ»дан, гўшти Сариосиёнинг Ҳисори қўйларидан, пиёзи Жарқўрғондан, думбаси Бойсуннинг қора қўчқоридан, тузи Шеробод конидан, зираси Боботоғдан — жамулжам бўлган сомсадан обқолинг. Олтинсой ўтинига пишган, «Чин-мочин»нинг дастурхонига ўралган, Қумқўрғоннинг меҳри йўғрилган, турли газетларга ўралган сомсага харидор борми.и...и?

...Жарқўрғон ҳам ортда қолди. Ҳадемай манзилга етамиз. Шунда беихтиёр лўли аёлнинг овози эшитилди: — Илоҳим бевақт қазодан, ноҳақ жазодан, сув балосидан, кўнгил қаросидан, ҳар хил офатлардан, турли касофатлардан, кечасию-саҳарларда масту аластдан, нопоклигу-пасдан, балнисадан, милисадан, қутирган итдан, тарқаётган СПИДдан, хира пашша-ю, бургадан, турмадан худонинг ўзи сақласин. Олганингиз олтин бўлсин, топганингиз тўйга кетсин. Менга берган хайру-эҳсонингиз худонинг даргоҳига қабул бўлсин, илоҳо омин!

Ё товба, дейсан киши. Ахир нечанчи асрда яшаяпмиз? Қайси замонда яшаяпмиз? Поездларда қачон тартиб ўрнатилади? Ёки бу «бозор»га темирйўлчилар ҳам шерикми? Чунки бундай аҳвол бошқа вилоятлардаги поездларда ҳам бор гап.

...Алқисса, Термизга етганимизда соат миллари 13[15]ни кўрсатиб турарди. Йўлдаги воқеалар хаёлимда ғужғон ўйнарди. Поезддан тушдиму шошилганча одамлар орасига шўнғидим...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ОБИ ҲАЁТ» АИК

акциядорлари диққатига!

2000 йил 29 июнда акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан тасдиқланган «Оби ҳаёт» АИК қайта ташкил этилиши муносабати билан акциядорларнинг якуний мажлиси ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида.

2. «Оби ҳаёт» АИК қайта ташкил этиш комиссиясининг 2002 йил амалга оширилган ишлари ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида ҳисобот.

3. 2002 йил якуни ҳақида тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Аудит текширув хулосасини тасдиқлаш.

5. 2002 йил учун бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.

6. 2002 йил учун дивидендлар миқдори ва тўловини тасдиқлаш.

7. Қайта ташкил этиш комиссиясининг хулосаси.

Мажлис қатнашчиларининг йиғилишга келиш муддати 2003 йил 14 апрель.

Мажлис эрталаб соат 10.00 да бошланади.

«ОБИ ҲАЁТ» АИК БОШҚАРУВИ.

«Оби ҳаёт» акциядорлик инвестиция компаниясининг 2003 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси

Актив	минг сўм	Пассив	минг сўм
1. Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)	32470	1. Устав капитали	44523
2. Номоддий активлар (қолдиқ қиймати)	1910	2. Резерв капитали	20772
3. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	2770360	3. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	18
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	39211	4. Мақсадли тушум ва фондлар	2832046
5. Пул маблағлари		5. Қисқа муддатли қарзлар	1541
6. Дебитор қарзлар	28054	6. Мол етказиб берувчилар	760
7. Келгуси давр сарф-харажатлари	28734 138	7. Келгуси давр даромадлари	—
		8. Меҳнат ҳақи қарзи	476
		9. Бюджетдан қарзи	354
		10. Ижтимоий суғурта қарзи	35
		11. Кредитор қарзлар	352
Баланс	**2900877**	**Баланс**	**2900877**

Бухгалтерлик ҳисоботи «Бухгалтер» аудиторлик фирмаси (лицензия № 35 2001 йил 26.04. ЎзР Молия Вазирлиги) томонидан тасдиқланган

● МУАММО

Боланинг

БАРЧА МАМЛАКАТЛАР УЧУН

Мактабдан кейинги ярим кунда боланинг нима билан шуғулланиши кўпинча унинг тақдирини белгилайди. Шаҳардаги маҳаллаларда, қишлоқларда бола катталарнинг эътиборида бўлади. Кимнинг фарзанди эканини атрофдагилар билишади ва ундаги ножўя ҳаракатни эътиборсиз қолдиришмайди. Кўп қаватли уйларда эса бунинг акси. Қўшнилар бир-бирларини танимайди. Нотўғри ҳаракат қилаётган болани тартибга чақиришмайди. Шунданми, тарбияси оғир болалар яшаш жойларига ажратилиб ўрганилганда маҳалла ва қишлоққа нисбатан кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиганлари кўпроқ экани аниқланди.

Бўш вақт масаласини ҳамма ўзича ҳал этади. Кўпчилик бу борада асосий эътиборни меҳнатга қаратиш тарафдори. Биз ҳам бу йўлни тўла маъқуллаган ҳолда, болаларимизни меҳнатга қандай қизиқтиришимиз керак, деган саволга диққатингизни тортамиз.

Меҳнат барча замонларда ва барча жамиятларда буюк ҳуқуқ ва асосий зарурат ҳисобланган. Маданият юксаклиги меҳнатга бўлган муҳаббатга боғлиқ. Ўзгачароқ таъбир билан айтсак, маданият қанчалик баланд бўлса, меҳнат шунчалар қадрланади... Чунки меҳнат ҳамиша инсон ҳаёти ва маданиятининг асосини ташкил этган.

Меҳнат тарбиясини боланинг суяги қотгач бошлаш керак, дегувчилар янглишадилар. Бола эмаклаганда ёки хонтахтани ушлаб юра бошлаганида билибми-билмайми бу тарбияни бошлаб юборамиз. «Пиёлани олиб бер», «Қошиқни узатиб юбор», дейишимиз меҳнат тарбиясининг дебочасидир. Шу ўринда гўдакнинг ҳаракатини кузатайлик: у ҳали «меҳнат — ички эҳтиёж самараси», деган тушунчадан йироқ. Лекин сиз айтган юмушни бажаргач, уни мақтаб, эркалаб қўйсангиз, шодланади ва иккинчи, учинчи пиёлани ҳам узата бошлайди. Демак, рағбатлантириш лозим экан. Ўша гўдак сиз айтишингиз билан пиёлани узатмади, шунда сиз уни меҳнатга ўргатиш учун зўрлай бошлайсиз. Пиёлани мажбурлаб ушлатасиз, узатишини талаб қиласиз. Йўқ, азизлар, буни меҳнат тарбияси доирасига киритишимиз қийин. Мажбурлаш болада меҳнатга нисбатан нафрат уйғотиши мумкин.

Кейинги йилларда болаларнинг бўш вақтлари кўпроқ телевидение ва видео томошалари билан банд бўлаяпти. Ҳатто «телебола» деган атама ҳам пайдо бўлди. Бу «телебола»лар атрофдаги барча гўзалликларни рад эта бошлайдилар. Францияда қизиқарли тадқиқот ўтказилди. Уч мингта болага «телевизор яхшими ё отангми?» деган саволни бериб, қарийб икки мингтасидан «телевизор яхши», деган жавобни олишибди. Буни танишларимга гапириб берсам, айримлари худди латифа эшитгандай кулимсираб қўйди. Аслида бундай хабар барчани ўйлантириб қўйиши керак. Францияда бу тадқиқотни шунчаки бекорчиликдан ўтказишмагандир. Тарбияга доир ишларда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш учун қилишгандир. Шунга яраша чоралар кўришар. Хўш, бу ҳолатнинг бизга алоқаси йўқми? Тўғри, бизда икки мингта бола «отамдан телевизор яхшироқ», деб жавоб бермас. Агар уч мингта боладан учтаси шундай жавоб қайтарса ҳам ташвишланишимиз зарур эмасмикин? Бугун учта бола шундай деб турса, эртаиндин уларнинг сони ошмасмикин? Орадан кўп вақт ўтмай Франциядаги натижа бизда ҳам қайд этилмасмикин? Бу муаммо хусусида қачон бош қотирамиз?

Ана энди шу болаларимизга четдан разм солайлик: китоб ўқиш улар учун азоб, театрда юраклари сиқилади, музейларда роҳатланмайдилар. Мусиқанинг фақат енгил турларини тинглашлари мумкин. Ёзувчилар бу «телебола»ларни бадиий адабиётга қайтариш керак, дейдилар, аммо қандай қайтаришни аниқ билмайдилар. Агар бизда ўсмирлар учун бадиий адабиёт деярли йўқлиги, болалар ёзувчиларининг ҳам ғоят камлиги инобатга олинса, бу фикрни амалга ошириш мушкул экани ойдин бўлади.

Европа мамлакатларида болалар ва ўсмирлар адабиётига жиддий аҳамият берилади. Бизнинг болаларимиз ўқийдиган китобларнинг ҳам асосан таржима асарлар экани сир эмас. Болаларнинг севимли қаҳрамонлари ҳам Европа адабиётининг қаҳрамонлари. Тўғри, яхши бадиий асар миллат танламайди, чегара билмайди. Бироқ халқнинг ўз адабий қаҳрамонлари бўлса яна яхши. Бу соҳадаги тарбиямизда битта камчилигимиз бор. Аввало кўп хонадонларда оила бошлиқлари китоб ўқимайдилар. Ўзлари ўқимай туриб фарзандларини китобга жалб қила олармикинлар? Ўша ота-оналар ўйлаб кўрсинлар, фарзандлари бўш вақтларини кўча безорилари ёки беҳаё кинолар қуршовида ўтказгани маъқулми ё фикр тарбиясини берувчи китоб билан дўстлашганлари афзалми? Донолардан бири: «Китоб ўқимаган киши фикрлашдан тўхтайди», деган экан. Кимдир бунга қарши чиқиб айтарки: «Мен умримда китоб ўқимаганман, лекин фикрлайман-ку?» Тўғри, ўқиган ҳам, ўқимаган ҳам фикрлайди. Бироқ қай тарзда фикрлайди? Фикрининг маъноси борми? Бу фикр билан ўзгалар орасида эътибор қозона оладими? Дуруст, ота ёки она ўқишнинг афзаллигини тушуниб етдилар. Фарзандларини ўқишга даъват эта бошладилар. Лекин боланинг ёши улғайгач, бу даъватга дарров бўйсуна қолмайди. Ҳатто қизиқарли китобни ҳам четга суриб қўяди. Баъзи ота-оналар мана шундан зорланишади. «Фалон сўмлик китоб олиб келдим, ўғлим бир бет ҳам ўқимади», дейди.

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маданий-маърифий тадбирлар

● *8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан* ***Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотлари*** *томонидан қатор тадбирлар ўтказилди:*

Бектемир, Ҳамза, Миробод туман партия кенгашларида *бўлиб ўтган йиғилишларда туманлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизлар шарафланди.*

Чилонзор туман партия кенгаши *хотин-қизларнинг Муқимий театри артистлари билан учрашувини ташкил қилди.*

ХДП Юнусобод туман кенгаши *41-оилавий поликлиникада «Аёл ва сиёсат» мавзуидаги мулоқотни уюштирди.*

Сирғали туман партия кенгаши ва тумандаги Собир Раҳимов маҳалла қўмитаси ҳамкорлигида «Санамлар сарвари», деб номланган танлов ўтказилди.

● *Байрам арафасида* ***партиянинг Гулистон шаҳар, Сирдарё, Бухоро, Пешку, Чортоқ ҳамда Жондор туман кенгашлари*** *давра суҳбатлари, учрашув ва кўрик-танловлар ўтказдилар. Тадбирларда қатнашган фаол хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди.*

● *«Обод маҳалла йили» тадбирлари доирасида* ***ХДП Чуст, Боғот, Учқўрғон туман кенгашлари*** *жойларда «Маҳаллам — фахрим менинг», «Ибратли оила», «Маҳалланинг ибратли келини» мавзуидаги маданий-маърифий тадбирларни ўтказдилар.*

Партия ташкилотларида

● ***Ўзбекистон ХДП Қарши туман кенгаши*** *пленумида партиядан сайланган депутатлар фаоллигини ошириш, ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Унда Қашқадарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов сўзга чиқиб, жорий йилда фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ва аҳоли ўртасида партиянинг нуфузини ошириш бўйича қилинадиган амалий ишлар ҳақида гапирди.*

● ***Урганч шаҳар партия кенгаши*** *пленумида фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари кўриб чиқилди. А.Абдуллаев ХДП Урганч шаҳар кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Йиғилишда Хоразм вилоят партия кенгаши биринчи котиби Б.Бобожонов, шаҳар ҳокими ўринбосари Р.Собуровлар сўзга чиқдилар.*

● ***ХДП Шофиркон туман кенгаши*** *ташаббуси билан 19-«Шибрғон» ҳудудий партия ташкилотида, партия ва маҳалла фаоллари иштирокида, икки палатали парламент тизимига ўтиш масалалари бўйича мулоқот бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши етакчиси А.Асадов, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати С.Носиров ва мазкур ҳудудий партия ташкилоти котиби Б.Назаров ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

● ***Партия Фурқат туман кенгаши*** *да ўтказилган тадбирда туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар ва партия фаоллари қатнашдилар. Унда 2002 йилда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокама этилди.*

● ***ХДП Гулистон, Янгиер шаҳар, Зарбдор, Деҳқонобод, Ховос туман партия кенгашлари*** *«Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилишида иштирок этиш юзасидан аниқ тадбирлар режаларини ишлаб чиқдилар.*

Савоб ишга мажбурлаш — қонунга зид

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани боис бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 35 фоизи хусусий тармоқда яратилаётир. Истиқболда соҳани янада ривожлантириш, иқтисодиётимизнинг асосий бўғинига айлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Бу эзгу мақсадлар мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳаётига дахлдор. Зеро, кичик корхоналар сони кўпайиши ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши иқтисодиётимиз гуллаб-яшнашига, халқимиз турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилади.

Шу боис тадбиркорни қўллаш эртанги кунимизни ҳимоялаш билан баробар. Бу борада, айниқса, маҳаллий раҳбарлар уларнинг муаммоларини ечишда кўмакчи бўлиши лозим. Лекин айнан улар томонидан тадбиркор маблағига кўз тикиш ҳоллари учраётганини қандай баҳолаш мумкин?

Ғаллаорол тумани ҳокими футболни ривожлантиришга қарор қилди. Бу борада қандай ички имкониятлар борлигини ҳам чуқур ўйлаб кўрмасдан, масалани осонликча ҳал қилди — 24 хўжалик юритувчи субъектни футбол «ҳомийси» этиб тайинлади. Улар орасида фермер, тадбиркор ва турли тоифадаги ишбилармонлар бор эди. Шу туман ҳудудида фаолият юритгандан кейин «катта»нинг қарорига бўйсунмасликнинг оқибати нималарга олиб келишини яхши билганлар «ҳомийлик»ка баҳоли қудрат бош қўшди. Лекин туман ҳокимлигининг бундай қонунга зид қарорлари, афсуски, кейин ҳам бот-бот қабул қилингани тадбиркорларнинг силласини қуритди. Чунки туман футбол жамоасининг турли мусобақаларда қатнашиши ҳамда стадионни мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам шу йўл билан ҳал этилди. «Элита» хусусий фирмасига бир миллион сўм, деҳқон бозорига икки юз минг ва бошқаларга беш миллион сўмдан зиёд «ўлпон» солинди.

Қовун қовунни кўриб ранг олганидек, Ғаллароролга қўшни Зомин тумани ҳокими ҳам футболни ривожлантириш борасида шу йўлни танлади. Фақат бу туманда хўжаликлар ҳомий сифатида тайинланибгина қолмай, ҳар бири юз минг сўмдан маблағ ўтказиб беришлари борасида «аниқ қарор» чиқарилди!

Кўзланган ишлар рисоладагидек битаётгани, бу йўл қанчалик ноқонуний бўлмасин, биров мушугини пишт демагани раҳбарни янада дадилликка чорлади. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан шанбалик ўтказиш баҳонасида мулкчилик шаклидан қатъи назар, тумандаги барча ташкилот ва корхоналар бир кунлик иш ҳақини «Нуроний» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказиб беришлари хусусида туман ҳокимининг қарори чиқди. Бу ишнинг ҳам осон кўчиши ҳокимни яна бир қалтис қарор чиқаришга руҳлантирди. Тумандаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг бир кунлик иш ҳақи уларнинг розилигисиз туман «Ногиронлар жамияти» ҳисоб рақамига ўтказилди.

— «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда қайд этилганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этиши лозим, — деди Адлия вазирлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Давлатназар Матрасулов ЎзА мухбирига. — Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳаққи йўқ. Лекин жойларда муайян иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, турли хайрли ишларни баҳона қилиб, тадбиркорлардан ўзбошимчалик билан ўлпон йиғишни «одат» қилиб олаётган раҳбарлар, афсуски, учраб турибди. Зикр этилган ҳолатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан Жиззах вилояти ҳокимига киритилган тақдимномага асосан айбдорлар тегишли тартибда жазоланди.

Ўтган йил мазкур бошқарма томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиб, уларнинг маблағларини мажбуран жалб қилиш билан боғлиқ уч мингга яқин ҳолат аниқланди. Кўрилаётган қонуний чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлар бой берган маблағларини қайтариб олмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 14,28 март ва 4,11 апрель кунлари кимошди ва танлов савдоларини ўтказади.

Савдоларга қуйидаги манзилларда жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдирадиган, ер майдонларининг эгалик ҳуқуқлари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м. ва Г-38,0 м. кўчаларида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган, **ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган, 332-сонли ер участкаси, **бошланғич нархи — 640 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектарга тенг бўлган 1-12-сон ва 14-сон ва сатҳи 0,02 гектарга тенг бўлган 13-сон ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

0,04 гектар ернинг ҳар бирининг **бошланғич нархи — 1 648 000 сўм.**

0,02 гектар ернинг **бошланғич нархи — 824 000 сўм.**

Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган, ҳар бирининг **бошланғич нархи — 1 008 000 сўм,** сатҳи 0,04 га бўлган 3 та ер майдони.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган ер участкалари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-8 мавзеси, 28-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-8 мавзеси, 42-,45- ва 46-уйлар олдида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-1 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 49-уй, сатҳи 0,018 га бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 52-уй, сатҳи 0,018 га бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,018 га бўлган ер майдони.

Спутник-2 мавзеси, 51-уй, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

0,03 гектар ернинг **ҳар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм.**

0,018 гектар ернинг **бошланғич нархи — 428 400 сўм.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1 а-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари

Бошланғич нархи — 671 800 сўм ёки 966 АҚШ доллари.

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х. Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган кичик механизация бошқармаси молмулки (биносиз)

Бошланғич нархи — 564 000 сўм ёки 1 324 АҚШ доллари.

Савдоларда «Роз-Трейдинг» чет эл корхонасининг Қатортол бўлимига тегишли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 60-уйда жойлашган, бино ва иншоотлари сотилади.

Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.

Шунингдек, 11,18 апрель кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига бошланғич нархи — 990 286 сўм бўлган UIV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобиль кузови.

Танлов савдоларига:

— Яккасарой тумани халқ таълим бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси

Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари.

— Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари қўйилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

2003 йил 7 февраль куни ўтказилган кимошди савдоларида Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган 4 та якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкалари сотилди. Умумий сотилиш баҳоси — 5 200 000 сўмни ташкил қилди. Шунингдек, ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдоларида 6 та кўчмас мулк объектлари 103 950 000 сўмга сотилди.

● **Танлов савдоларига ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал тўхтатилади.**

✓ **Савдо ўтказиладиган манзил:** Тошкент ш., Миробод тумани, Моваройнаҳр, 16 А.
✓ **Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.
✓ **Телефонлар:** 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Бир тўхтамга келишолмаяпти

Кипрнинг Греция ва Туркия қисмини бирлаштириш учун БМТ Бош котиби Кофи Аннан иштирокида олиб борилган музокаралар ҳозирча аниқ самара бермай турибди. Кипрнинг Греция қисми раҳбари Тассос Пападопулоснинг айтишича, музокаралар боши берк кўчага кириб қолганга ўхшайди. «Биз бирор-бир натижага эришдик, дея олмайман. Кипрнинг Туркия қисми раҳбари Рауф Денкташ БМТ Бош котиби томонидан илгари сурилган режани қабул қилмади» деди у, Гаагада ўтказилган музокараларнинг иккинчи раундидан сўнг журналистларга.

Маълумки, 1974 йили мазкур оролга Туркия қўшинлари киритилгандан сўнг Кипр икки қисмга бўлинган эди.

БМТ эса икки томонни бирлаштириш учун 30 март куни умумий референдум ўтказиш мақсадида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Агар, дейилади Reuters ахборотида, икки давлат бирлашиш ҳақида тинчлик шартномасини имзоласа, у ҳолда апрелда Кипр ягона давлат бўлиб Европа Иттифоқи таркибига кириши мумкин.



Бош вазир истеъфо бермоқчи

Туркия Бош вазири Абдулла Гул истеъфога чиқишни сўраб мамлакат Президентига арзнома киритди. Бош вазир ёрдамчиси берган маълумотга асосланиб Reuters агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Абдулла Гул ўз ўрнини Адолат ва тараққиёт ҳукмрон партияси етакчиси Тоип Эрдўғон учун бўшатмоқда.

Гап шундаки, Тоип Эрдўғон парламент аъзоси сифатида куни кеча қасамёд қабул қилди. Энди у мамлакат бош вазири лавозимини эгаллашга ҳақли. Бу ҳақда Абдулла Гулнинг ўзи ҳам агар Эрдўғон парламент аъзолигига қабул қилинса, ўрнини бўшатиб беришини айтган эди.

Маълумки, Адолат ва тараққиёт партияси парламент сайловларида ғалабани қўлга киритган бўлишига қарамай партиянинг етакчиси Тоип Эрдўғон парламент аъзолигига қабул қилинмаган эди. Негаки, 1998 йили диний адоват уруғини сочгани учун судланиб, ҳукм қилинганди. Судланганлар эса мамлакат Конституциясига кўра парламент аъзоси бўлолмайди. Бироқ эндиликда Президент ва суд органлари қаршилигига қарамай парламент томонидан Конституцияга ўзгартиришлар киритишга тўғри келди.

Дипломатлар чиқариб юборилди

Руминия Ироқнинг беш дипломатини мамлакатдан чиқариб юборди.

Маълумки, Руминия Ироқ масаласида АҚШни қўллаб-қувватламоқда. Бухарестдан берилган расмий манбаларда қайд этилишича, жосуслик фаолияти сезилган Ироқ дипломатларини мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақидаги АҚШ мурожаатномасига жавобан иш тутган олтмишинчи мамлакат Руминиядир. Бу ҳақда Reuters агентлиги ахборот тарқатди.

Эртага овозга қўйилиши мумкин

АҚШ Ироқ бўйича янги резолюцияни бу ҳафта БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга қўймайди, дея хабар беради Нью-Йоркдаги дипломатик манбаларга таяниб «Новости» ахборот агентлиги.

Хавфсизлик Кенгашида янги резолюциянинг Америка-Британия-Испания лойиҳаси устида маслаҳатлашувлар фаол давом этмоқда.

Маълумотларга қараганда, мазкур резолюция 14 март куни овозга қўйилиши мумкин.

«ДОН-НОН»

очиқ акциядорлик жамияти

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 50-уйда 2003 йил 14 апрель соат 11.00 да акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилади.

Мажлис кун тартиби:

1. Кузатув Кенгаши ҳисоботи ва унинг фаолиятига баҳо бериш.
2. «Дон-нон» ОАЖ фаолияти ҳақида дирекция ҳисоботи, 2002 йил баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йилдаги фаолияти бўйича аудиторлик фирмаси хулосасини тасдиқлаш.
4. «Дон-нон» ОАЖнинг 2002 йил фаолияти бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
5. 2003 йилга аудитор этиб «Дунё-аудит» аудиторлик фирмасини тайинлаб, унинг меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш.
6. Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
7. Бошқарув раиси фаолиятига баҳо бериш ва у билан меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш тўғрисида.
8. ОАЖ ижроия органидан чиқиб кетган аъзолари ўрнига янги икки аъзони тасдиқлаш.
9. ОАЖнинг устави, ижроия органи ва Кузатув Кенгаши низомларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
10. «Дон-нон» ОАЖнинг 2003 йил вазифалари, бизнес-режаси, харажат ва даромадлари балансини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Дон-нон» ОАЖ 2003 йил 1 январь ҳолатига баланси

АКТИВ 1. Узоқ муддатли активлар	(минг сўм)	
Асосий воситалар	641130	341487
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймат	250802	209850
Эскириш	390328	131637
бошланғич қиймат	5026	5026
эскириш	5026	5026
Капитал қўйилмалар	5900	5900
Қарам хўжалиқ жамиятларидаги акциялар	5987	
Узоқ муддатли инвестициялар		153255
I-бўлим бўйича жами	402215	290792
II. Жорий активлар		
Ишлаб чиқариш заҳиралари	33836	43157
Тайёр маҳсулот	3118	623
Олиб сотиладиган товарлар	2117	2533
Келгуси давр сарфлари	175	137
Пул маблағлари	1304	665
Дебиторлар, жами	57098	51683
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	40779	33449
Бўнақ (аванс) тўловлари	7898	4098
Бюджет билан ҳисоблашишлар	343	9813
Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар	17	—
Шўъба ва қарам жамиятлар билан ҳисоблашишлар	2272	2726
Бошқа дебиторлик қарзлари	5789	1597
II-бўлим бўйича жами	97648	98798
Баланснинг активи бўйича жами	499863	389590

ПАССИВ I. Ўзлик маблағларнинг манбалари	(минг сўм)	
Устав капитали	13000	13000
Резерв капитали	206436	130426
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	-4266	-10397
Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	867	867
I-бўлим бўйича жами	216037	133896
II. Мажбуриятлар		
Узоқ муддатли қарзлар	121035	121035
Қисқа муддатли қарзлар	86721	82421
Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	8420	6760
Кредиторлар, жами	67650	45478
Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	5360	10401
Бюджет бўйича қарзлар	16260	3096
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	7149	4738
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	5701	2754
Шўъба ва қарам жамиятлари билан ҳисоблашишлар	25442	20098
Бошқа кредиторлар	7738	4391
II-бўлим бўйича жами	283826	255694
Баланснинг пассиви бўйича жами	499863	389590

2002 йил бўйича аудиторлик текшируви «Дунё — аудит» аудиторлик компанияси

(Лицензия №02466 2001 йил 24.10. ЎзР. Молия вазирлиги) томонидан амалга оширилди.

«Дон-нон» ОАЖнинг муҳим факти ҳақида ахборот

Ахборотнинг тартиб рақами — 07
Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати, тузилиши, санаси — 2003 йил 10 март
Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузиладиган сана — 2003 йил 15 март
Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузилиши ҳақида Сана бўйича қарор қабул қилинган орган —

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

бўш вақти

МУҲИМ МУАММО ҲИСОБЛАНАДИ

«Ўша китобни ўзингиз ўқидингизми?» деб сўраймиз. «Бе, ўқишга вақт борми?» деган жавобни эшитамиз. Чойхонада кунда, кунора ошхўрлик қилишга, маишатга вақт топилади. Бешик тўйларида соатлаб валақлаб ўтиришга фурсат бор, аммо фарзанд тарбиясига вақтимиз йўқ. Шахсий намуна деган тушунчадан узоқмиз. Бизнинг назаримизда «Мана, сенга китоб олиб келдим, ўқи», дейиш — тарбия. Шу билан биз бурчимизни бажардик.

Аслида тарбиянинг барча кўринишларида, хусусан, китоб ўқишга даъватда шахсий намунанинг фойдаси кўп. Тарбиянинг барча турлари каби ўқишга ўргатиш ҳам болаликдан бошланади.

Биргина мисол, болалар қамоқхонасида ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, у ерга тушганларнинг қарийб тўқсон фоизи битта ҳам бадиий китоб ўқимаган экан. Етмиш фоизи театр остонасини босиб ўтмаган. Юз фоизи рассомларнинг кўргазмаси нима эканини билмайди. Бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ҳақидаги фикримизни қувватлаш учун яна қандай далил керак?

Боланинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишнинг муҳим омилларидан бири бу — болалар ижодиёти марказлари ва мактабларда ташкил этилган тўгараклардир. Бу масканларда ишлаётганлар ўзларини энг аввало, тарбиячи деб ҳисоблашлари шарт. Уларнинг моҳир рассом, наққош, боксчи ёки футболчи эканликлари иккинчи даражали масала. Афсуски, бизда бундай талаб қўйилмаган. Тўгарак раҳбарларидан «Тўгарагингизда нечта бола бор, нечтаси кўрикда (ёки мусобақада) ғолиб бўлди?» деган ҳисобот сўралади. «Тарбияга доир нима иш қилдинг?» деб сўралмайди. Тўгарак раҳбари: «Мактабда қандай ўқияпсан, машғулотдан чиқиб тўғри уйга кетяпсанми ёки бирор овлоқдаги болаларга қўшилиб бевошлик қиляпсанми?» деб қизиқмайди. Айни чоғда ота ёки оналарнинг аксари «болам кимдан нимани ўргангани қаерга боряпти, машғулотларни канда қилмай қатнашяптими ёки тўгарак баҳонасида уйдан чиқиб санқиб юрибдими?» деб суриштиришмайди.

Ота-она ҳам, мактаб ҳам, хуллас ўсмирнинг атрофидаги муҳит ундан яхши ўқишни, меҳнаткаш бўлишни талаб қилади-ю унинг тўғри дам олиши билан ҳамма ҳам қизиқавермайди. Қизиққанлар ҳам бир хилдаги режа бўйича иш олиб боришади. Холбуки, Тошкентдаги ўсмир билан Ғиждувондаги ўсмирнинг қизиқиши, шароити, имконияти бутунлай бошқа-бошқа-ку? Ундан ташқари боланинг ёши улғайгани сайин у ҳам жисмонан, ҳам маънан шаклланиб боради. Унинг бўш вақтига мос дам олишини ташкил этиш эса қийинлашади. Ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг 43,4 фоизини бўш вақтдан унумли фойдаланишга жалб этиш мумкин экан. 56,6 фоизи эса бўш вақтидан ўзича фойдаланишни истайди. Ёш улғайган сайин бу рақамлар ҳам ёмон томонга ўсиб боради. Яъни, 14-15 ёшли болаларнинг 38,8 фоизи, 16-17 ёшлиларнинг 35,2 фоизини фойдали дам олишга жалб этиш мумкин бўларкан. Қизлар орасида эса аҳвол бундан-да ёмонроқ. Ўн тўрт ёшгача бўлган қизларнинг 41, 14-15 ёшлиларнинг 21, 16-17 ёшли қизларнинг 14 фоизигина катталар таклиф этган тадбирни қабул қилади. Биз мана шу ўсиш, шаклланиш жараёнини ҳисобга оламизми? Сўровларимиздан аён бўлдики, мактаб ўқувчиларининг 35,5, коллеж талабаларининг 42, ишловчи ўсмирларнинг ва ишламайдиган, ўқимайдиганларнинг 67 фоизи бўш вақтни самарали ўтказиш бўйича катталар томонидан таклиф этилган тадбирларда иштирок этишни истамайдилар.

Давлат болаларнинг бўш вақтини тўғри йўналишга буриш муҳимлигини инобатга олиб, қанчалаб маблағ ажратяпти, имкониятлар яратяпти. Бироқ, бу соҳадаги ишларнинг самараси билан қизиқиш жойларда етарли эмас. Тўғри, вақти-вақти билан ҳисоботлар тўпланади. Қоғоздаги ҳисоботлар ҳаётдагидан фарқ қилади.

Болаларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш ҳақида гап кетганда, энг аввало, уларни жисмоний тарбия — спортга тортиш фикри илгари сурилади. Бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. «Соғлом авлод жамғармаси», Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Жисмоний тарбиянинг дунё тажрибасида янгилик бўлган узлуксиз уч босқичли тизими каби саъй-ҳаракатлар соғлом авлод тарбиясига қаратилган. Спорт болаларни ёмон йўлдан, ёмон гуруҳлардан асрайди. Довюрак, мард қилиб тарбиялайди. Қолаверса, руҳий саломатлик жисмоний саломатликни ҳам талаб этади. Спорт билан шуғулланувчи ўсмирлар билан ўтказган суҳбатларимизда уларнинг 80 фоизи спорт ҳаётлари учун муҳим эканини айтишди. 20 фоиз ўсмир эса ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб ўтишда спорт катта ёрдам берганини таъкидлашди. Ҳатто «бўйсунмас»ларнинг 80 фоизи ҳам шунга яқин фикр билдиришди. Тўғри, жисмоний тарбия боладаги мавжуд ирода кучига қувват беради. Абдулла Авлоний бадан тарбиясига эътибор қаратиб, шундай фикр билдирган эканлар: ***«Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордир. Жисм ила рух иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур...»***

Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МУНОСАБАТ

Мусиқа миллатнинг руҳи

Ҳар бир халқ ўз тарихи, ўтмиш анъаналари билан суғорилган миллий оҳангларига эга. Улар асрлардан-асрларга ўтиб, янгиланиб, сайқал топиб бизгача етиб келган. Одатда мусиқанинг қайси миллатга мансуб эканлигини билиш у қадар мушкул эмас, чунки унинг замирида ўша миллат қадриятларини англатувчи хусусиятлар мужассам. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда айрим қўшиқчилар билиб-билмасдан хориж мусиқасига тақлид қилишаяпти. Бу эса миллий мусиқа санъатимизга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Оқибатда қўшиқчиликка бўлган эътиборни кучайтиришга, уни янада ривожлантиришга эҳтиёж туғилмоқда.

Истиқлолдан сўнг санъатнинг барча турлари қатори эстрада жанрига ҳам эътибор кучайди. Миллий эстраданинг асосий йўналишларини белгилаш муҳим масалага айланган бўлса-да, замонавий қўшиқчиликка ҳар хил оқимлар кириб келаётгани боис, турк, араб, ҳинд ва Fарб мусиқаларига бўлган қизиқиш ҳамда тақлидчилик ҳолатлари учрамоқда. Айниқса, хорижий эстрада қўшиқларининг тўғридан-тўғри «ўзиники» қилиб айтиш айрим ёш эстрада хонандаларининг ижро репертуарига айланди. Жумладан, турк хонандаси Иброҳим Тотлисаснинг «Бабайин» қўшиғи яна бир турк хонандаси Тарканнинг «Унут» қўшиғи ижрочиларимиз томонидан ўғринча ижро этилди. Қисқаси, бир қанча эстрада хонандалари ижодида хориж мусиқасидан «нусха кўчириш» ҳоллари учраб турибди. Бу миллий мусиқамизга, ёш авлоднинг маънавий-руҳий оламига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Ахир ўзбекона наволаримизнинг хориж мусиқасидан нимаси кам? Шу каби салбий иллатларга чек қўйиш ва миллий эстрада санъатини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Шунингдек, яна долзарб масалалардан бири, бу — миллий мусиқамиз орқали келажагимиз бўлган ёш авлодни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Бу борада халқимизнинг асрлар оша ривожланиб келаётган мумтоз наволари фарзандларимизга беқиёс маънавий сарчашма бўлиб хизмат қилади.

Назаримда, бу каби эзгу анъанани халқимиз қалбига сингдириш кўпроқ уларнинг нечоғлиқ тарғибот қилинишига боғлиқ. Чунки оммавий ахборот воситаларида мусиқий меросимиз қанчалик изчил бериб борилса, халқ орасида тарқалиши ва улар онгига сингиши ҳам осон бўлади. Мисол тариқасида телевидение орқали мақом жанрида тайёрланаётган клиплар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этаётганини келтириб ўтиш ўринли. Шу қаторда миллий чолғуларимизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу ҳам тарғибот натижаси. Хусусан кейинги пайтда аждодларимиз мероси бўлган танбур шу даражада оммавийлашиб кетдики, нафақат мақомларда, балки эстрада йўналишида куйланаётган қўшиқларда ҳам урф бўлиб бормоқда. Бу — замонавий техника нечоғлик илдамламасин, ўтмиш меросимиз ўз аҳамиятини сақлаб қолаётганидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, келажак авлодга миллий мусиқамизни асл ҳолича етказиб бериш ҳамда миллий наволаримизни барҳаёт наволарга айлантириш муҳим вазифа экан, санъатнинг ҳар бир жанрида халқимизнинг қадриятлари, анъаналари, маънавияти, руҳияти акс этиши лозимлигини бугунги қўшиқчилик осмонида парвоз қилаётган санъат эгалари бир бор ўйлаб кўришса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ахир, қўшиқчилик, мусиқа миллатнинг руҳи эмасми?

Наргизахон ЖАББОРОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқашунослик факультетининг II курс талабаси

Акциядорлик-тижорат банк «АЛОҚАБАНК» акциядорлари диққатига!

АТБ «Алоқабанк» Кузатув Кенгаши, 2003 йил 12 апрель соат 10.00 да Тошкент шаҳар, А.Толстой кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносида (3-қават) банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. *АТБ «Алоқабанк»нинг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ва банкнинг 2003 йилдаги асосий вазифаларини белгилаш тўғрисида.*

2. *АТБ «Алоқабанк»нинг 2002 йил якунлари бўйича бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.*

3. *АТБ «Алоқабанк»нинг 2002 йил иш фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.*

4. *«Ernest & Young Ltd» ташқи аудит компанияси ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.*

5. *АТБ «Алоқабанк»нинг «Умумий мақсадлар учун заҳира фонди»га ажратма миқдорини белгилаш тўғрисида.*

6. *АТБ «Алоқабанк»нинг 2003 йилга Бизнес-режасини ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида.*

7. *АТБ «Алоқабанк» устав капитали миқдорини ошириш ва АТБ «Алоқабанк» уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.*

8. *АТБ «Алоқабанк» Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.*

Банк акциядорлари ва мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш 2003 йил 12 апрель соат 9.00 дан 10.00 гача давом этади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-62-54, 136-76-86

АТБ «АЛОҚАБАНК» КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Қарши, Пискент, Навоийда — кўпкари

Республикамизда спортнинг миллий тури — улоқ-кўпкари мусобақаларини ташкиллаштириш, оммавийлаштириш ҳамда эпчил, довюрак чавандозлар маҳоратини синовдан ўтказишга катта эътибор берилаётир. 2002 йилнинг охирида Жиззах шаҳрида илк бор улоқ-кўпкари бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақаси ўтказилганди. Ушбу мусобақа юқори савияда ташкил этилиб, қизғин беллашувларга бой бўлган. Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Андижон, Навоий, Қарши, Самарқанд ва фарғоналик чавандозлар от устида мураккаб машқларни бажариб, ишқибозларга завқ бағишлаганлар. Бу гал эса Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган улоқ-кўпкари мусобақаси Қарши марказий отчопарида 21 март куни бошланади. 23 мартда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент вилоят ҳокимлиги, Пискент туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси ҳамкорлигида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган республика очиқ турнирида иштирок этиш учун Пискентга номдор чавандозлар келишади. Худди шундай улоқ-кўпкари мусобақаси 29 март куни Навоий вилоятининг Навоий туманида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Қисқаси, бу галги улоқ-кўпкари ўйинлари ҳар жиҳатдан яхши ўтиши учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Ўткир ПЎЛАТ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla QRIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-47-80, 133-38-55 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDYLLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 247
16178 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

ФУТБОЛ

«Пахтакор» — «Ал-Талаба»

Бугун Осиё чемпионлар лигаси «Д» гуруҳи баҳслари поёнига етади.

Бундай нуфузли мусобақага илк маротаба мезбонлик қилаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси барча ўйинларни муваффақиятли ўтказмоқда. Дастлабки турда пахтакорчилар «Ниса» (Туркманистон) футболчиларини йирик ҳисобда (3:0) мағлубиятга учратганидан хабарингиз бор. Иккинчи учрашувда ҳамюртларимиз Эроннинг «Пирузи» жамоасига қарши майдонга чиқди. Ниҳоятда кескин ва шиддатли кечган мазкур ўйиннинг 22-дақиқасида Анвар Солиев томонидан киритилган ягона тўп пахтакорчиларга муҳим уч очкони туҳфа этди.

«Ниса» — «Ал-Талаба» (Ироқ) жамоалари учрашуви 0:3 ҳисобида тугади.

Бугун пахтакорчилар сўнгги турда «Ал-Талаба» жамоаси билан баҳс юритади. Навбатдаги босқичга йўлланма олиш учун вакилларимизга дуранг натижа кифоя. Иккинчи учрашув «Ниса» — «Пирузи» жамоалари ўртасида бўлади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Югуриш йўлкалари кутмоқда

Мамлакатимизда енгил атлетикани янада оммавийлаштириш мақсадида Наврўз байрами арафасида эстафетали югуриш умумхалқ ҳафталиги ўтказилмоқда.

*Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасидан **ЎзА мухбирига** хабар қилишларича, ушбу мусобақада беш гуруҳ — умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, қишлоқ аҳолиси, шаҳар корхоналари ходимлари ҳамда маҳалла аҳлидан тузилган жамоалар қатнашмоқда.*

Беллашувлар Андижон, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилояти ва пойтахтимизда 16 мартагача давом этади.

«Дўстликдон маҳсулотлари»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Дўстликдон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 27 март куни, соат 15.00 да ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январда эълон қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси ҳақида.

2. Жамият бошқарувининг 2002 йилги ҳисоботи.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Жамиятнинг 2003 йилги Бизнес-режа лойиҳасини тасдиқлаш.

5. Кузатув Кенгаши аъзоларини, ижро этувчи бошқарувини ва тафтиш гуруҳини қайта сайлаш.

6. Бошқа масалалар.

Манзил: Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри, Саноатчи кўчаси, 49-уй.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

БАЛАНС ОАО «TEMIRCHI» ассоциации «МАСЛОЖИРТАБАКПРОМ» на 1.01.2003г.

(тыс.сум)

№	Наименование статей	Сальдо	
		актив	пассив
1.	Основные средства	34263	
2.	Производственные запасы	12194	
3.	Готовая продукция	20858	
4.	Расчеты с дебиторами	7674	
5.	Уставной капитал		11498
6.	Добавленный капитал		3349
7.	Резервный капитал		27037
8.	Нераспределенная прибыль		7881
9.	Расчеты с кредиторами		25224
	ИТОГО	74989	74989

1. *За 2002г. выручка от реализации составила* 127618
в т.ч. НДС 21270
2. *Расходы составили* 69341
3. *Прочие расходы* 32653
4. *Прибыль до уплаты налога на прибыль* 4569
5. *Чистая прибыль* 294

Достоверность финансовых результатов подтверждена аудиторской фирмой ООО «АУДИТ-БОРОКА», лицензия Министерства финансов РУз, серия АФ № 00278 от 12.11.2001г.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бахилнинг боғи кўкармас

Халқимиз бахил, зиқна, хасис, харис, қизғанчиқ одамларга азалдан ёмон назар билан қараб келган. Ўнларча мақолларда уларнинг нақадар пасткаш кишилар эканлиги, ўзлари бировга бир нима бериш у ёқда турсин, биров-бировга бир нима берса ҳам ичлари ачиши, ўлган-тирилганларига қарамай мол-дунё тўплашлари, аммо бу мол-дунёни бировдан тугул ўзларидан ҳам қизғанишлари ва бундай иллатнинг ёмон оқибатлари кўрсатилади: «Бахил билганин буклар, топганин тахлар», «Қудуқ шабнамга тўлмас, бахил дунёга тўймас» (дунё — бу ерда «пул, мол, бойлик» маъносида), «Бахилдан тош сўрагунча, Гадойдан ош сўра» (Бахилдан тош — яъни ўзига кераксиз, арзимаган бир нарсани сўрасанг ҳам бермайди. Ундан кўра гадойдан — яъни — ҳеч нарсаси йўқ, фақир одамдан ош сўраганинг яхшироқ», демоқчи)... «Бахил биҳиштга кирмас», «Сахий — жаннати, Бахил — дўзахи», «Бахил жаннатга кирмас, Сахий дўзахга тушмас», «Сахий хор бўлмас, Бахил бор бўлмас», «Сахийнинг андозаси бўлмас, Бахилнинг овозаси бўлмас» («Сахий, қўли очиқ одамнинг андозаси, яъни ўлчови бўлмайди, биров бир нима сўраса, йўқ демайди, борини аямайди. Бахил одамни эса, ҳеч ким яхшилик билан тилга ҳам олмайди, унинг эл-юрт ўртасида овозаси, яъни обрў-эътибори ҳам бўлмайди, у ҳудди сувга тушган кесакдек ўз-ўзидан йўқ бўлиб, дунёдан ўтиб кетади», демоқчи), «Бахил бўлма, сахий бўл — Ўсмоғингга тўғри йўл».

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса — битбилдиқ

Вар.: «Ошпичоқнинг қини йўқ, Битбилдиқнинг ини йўқ». Бу мақолларни ҳеч бир жойда ишни ёлчитмаган, маҳмадона, харала-тарала бедод, кўча хандон одамларга қарата айтилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ эълонлар бўлими
ТЕЛ. 133-47-80, 133-38-55.

Наблюдательный совет ОАО «LAZZAT»

Объявляет о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 11 апреля 2003 г.
по адресу: г.Гулистан, ул. Ахмедова, дом 3.
Начало регистрации: 10 час.00 мин. Начало собрания 11 час.00 мин.

Повестка дня:

1. Отчет Наблюдательного Совета и деятельности государственного поверенного общества.

2. Рассмотрение и утверждение отчета председателя правления общества о результатах финансово-хозяйственной деятельности за 2002 год.

3. Рассмотрение и утверждение заключения аудитора и отчета ревизионной комиссии общества.

4. Рассмотрение бизнес плана общества на 2003 г.

5. Утверждение председателя правления общества.

6. Приведение в соответствии с положениями Указа Президента Республики Узбекистан от 24.01.2003г. размера уставного фонда ОАО.

7. Утверждение соответствующих изменений и дополнений в учредительных документы общества.

8. Утверждение изменений и дополнений в Положения общества.

При себе иметь паспорт (для физических лиц), служебное удостоверение (для юридических лиц), нотариально заверенную доверенность (для представителей акционеров).

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 11 марта 2003 г.

С материалами собрания акционеры могут ознакомиться по адресу: г.Гулистан, ул. Ахмедова, дом 3.

С материалами собрания акционеры могут ознакомиться по адресу: г.Гулистан, ул. Ахмедова, дом 3.

«Асака ёғ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2003 йил 10 март кунги йиғилиш қарорига асосан жорий йилнинг 14 апрель куни жамият мажлислар биносида соат 11.00 да акциядорларнинг 2002 йил молиявий-хўжалик натижалари якуни бўйича умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларидан ўзи билан бирга паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжати бўлиши ҳамда соат 9.00 дан 10.30 гача рўйхатдан ўтишлари сўралади.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. *2002 йил молиявий-хўжалик натижалари бўйича бошқарув ҳайъати ҳисоботи.*

2. *Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик натижалари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи, аудитор хулосасини тасдиқлаш. 2003 йил молиявий натижалари бўйича 2004 йилда ўтказиладиган тафтиш учун аудиторни белгилаш.*

3. *Жамият соф фойдаси, дивидендлар тақсимоти ва уларнинг тўланиши ҳақида Кузатув Кенгаши таклифини тасдиқлаш.*

4. *Жамият Низом жамғармасини ошириш ҳамда жамғармаларни қайта тақсимлаш (капитализация қилиш) акциялар номинал баҳосини ошириш тўғрисида.*

5. *Жамият Низомининг янги таҳрирдаги кўринишини тасдиқлаш.*

6. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январь кунги Фармонига асосан жамият Кузатув Кенгаши аъзолари таркибини кўриб чиқиш ҳамда аъзоларини қайта сайлаш. Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрирдаги кўринишини тасдиқлаш.*

7. *Жамият бошқарув ҳайъати аъзоларига сайловлар. Бошқарув хайъати тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрирдаги кўринишини тасдиқлаш.*

8. *Жамият бошқарувининг 2003 йилдаги вазифалари ҳамда Бизнес-режасини тасдиқлаш.*

9. *Жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига сайловлар. Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрирдаги кўринишини тасдиқлаш.*

Умумий йиғилишни ўтказишга доир ахборотларни акциядорлар жамият Кузатув Кенгашидан олишлари мумкин.

Акциядорлар реестри 2003 йил 14 март ҳолатига ёпилади.

Жамият манзили: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Бобур кўчаси 5-уй.

«АСАКА ЁҒ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ